



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz


2013 йил 7 март, № 46 (5720)

Пайшанба

## Замонавий қишлоқ қиёфаси

Қишлоқларда такомиллаштирилган замонавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш ва қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда ривожлантириш — бу, аввало, одамларимизнинг турмуш тарзи ва менталитетини тубдан ўзгартириш бўйича эзгу мақсадларни кўзлайдиган қишлоқ аҳолиси ҳаётини сифатли ташкил этиш ва яхшилашга доир узоқ муддатли давлат дастурининг асосий маъно-мазмунини ташкил этади.

Ислон **КАРИМОВ**



## 8 МАРТ — ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

### Спортчи қизларга — Президент совғалари

Шу кунларда юртимизнинг барча шаҳар ва туманларида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, махсус мактаб-интернатлар ҳамда Меҳрибонлик уйларида таълим-тарбия олаётган, мунтазам спорт билан шуғулланаётган 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган қизларга Президент совғаси — спорт кийимларини тантанали топшириш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу хайрли тадбирлар мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш йўлида олиб борилаётган эзгу савий-ҳаракатларнинг яна бир тасдиғидир. Жойлардан мухбирларимиз хабар қилади.

### БУХОРО

Бу вилоятда ҳам таълим муассасаларининг спорт билан доимий шуғулланаётган ўқувчи қизлари, боқувчисини йўқотган ва давлат тасарруфидан бўлган болалар муассасаларининг тарбияланувчиларига спорт кийимлари тантанали равишда топширилмоқда.

Хусусан, Вобкент туманида ташкил этилган ана шундай тадбирда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган 1065 нафар қизга Президентимиз совғалари тақдим этилди.

— Спортнинг баскетбол турига қизиқман, — дейди тумандаги “Қипчоқ” фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Гулрух Ашурова. — Мана, бир йилдирки, машғулотларга мунтазам қатнашарман. Маҳоратимни ошириб, келажақда мусобақаларда ўзимни кўрсатмоқчиман.

— Бундан ўн йил муқаддам вилоятимизда қизларнинг атиги саккиз фоизи спорт билан шуғулланарди, — дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Бухоро вилояти филиали етакчи мутахассиси Шавкат Сайидов. — Ҳозирги кунга келиб, ушбу кўрсаткич салкам 32 фоизга етди. Бу — қарийб 53 минг нафар қиз спортнинг у ёки бу тури бўйича ташкил этилган машғулотларга мунтазам иштирок этаётган, деганидир.

Вилоятда жами 12 минг 48 нафар ўқувчи қизга Президент совғалари топширилди.

### НАВОЙ

Халқаро хотин-қизлар куни байрами арафасида вилоят бўйича спорт билан мунтазам шуғулланаётган 5948 нафар қизга спорт кийимлари совға сифатида тақдим этилди.

— Спортнинг нафис ва гўзал тури — бадий гимнастика билан шуғулланаман, — дейди Қонимех туманидаги 8-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Зарнигор Исломова. — Бунинг учун таълим муассасамизда барча шарт-шароит яратилган. Имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўтган йили Германияда ташкил этилган халқаро турнирда муваффақиятли қатнашдим. Келажақда янада нуфузли мусобақаларда ўзбек спорти шухратини юксалтиришга ўз ҳиссамни қўймоқчиман.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимиз қишлоқларида намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши динамикаси

2010 йил — 6800 та

2011 йил — 7400 та

2012 йил — 8500 та

2013 йилда мўлжаллангани — 10 000 та

## Янги уйларда қувонч нашидаси

Бугунги кунда қишлоқлар ҳақида гап кетганда, бу ерда қуриладиган замонавий уй-жойларга тўхталмасдан иложимиз йўқ. Чунки уларда истиқомат қиладиган аҳоли учун намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган замонавий иморатлар нафақат ҳудуднинг инфратузилмаси ривожланишига, балки одамларнинг ҳаёт тарзи ва дунёқараши ўзгаришига хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан, бунёдкорлик ишлари эндиликда янада жадал тус олди. Бу жараёнда компаниямиз жамоаси ҳам фаол иштирок этмоқда.

Тўғри, юртимизда қурилиш ва бунёдкорлик ишлари азалдан ривожланган. Аждодларимиз тафаккури, салоҳияти ва азму шижоати билан бунёд

этилган тарихий обидаларимиз асрлар давомида дунё аҳлининг хайратини ошириб келаётгани бежиз эмас. Бироқ гапнинг лўндасини айтганда, истиқлол йилларидагина ана шу аъёнамиз ўзгача маъно ва қиёфа касб этди. Иншоотлар, айниқса, қишлоқ аҳолиси учун мўлжалланган якка тартибдаги тураржойлар миллий аъёналаримиз ва замонавий услублар мужассамлиги боис қишлоқларимиз кўрғига кўрк, чиройига чирой қўшмоқда.

Бундай қишлоқлар гўё ихчам шаҳарча. Масалан, ўтган йили 272 та қишлоқ массивида 8,5 мингта уй-жой қурилиши баробарида, 10 та мактаб, 26 та қишлоқ врачлик пункти, 75 та маҳалла гузарни, 104 та савдо мажмуаси, 28 та минибанк, 35 та деҳқон бозори, 80 та ишлаб чиқариш цехи ва 41 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси топширилди.

(Давоми 3-бетда).

## Ўзбекистон эришган ижтимоий-иқтисодий муваффақиятлар Францияда тақдим этилди

Яқинда Ўзбекистоннинг Франциядаги дипломатия ваколатхонасида 2012 йилда республика-мизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурининг асосий устувор вазифалари ҳамда “Обод турмуш йили” Давлат дастурига бағишланган брифинг ташкил этилди.

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Тадбирда Парижда акредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар ва дипломатия ваколатхоналари ҳамда Франциянинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил, ишбилармон доиралари вакиллари қатнашди. Брифинг иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган маърузасининг асосий мазмунини ва юртимизда иқтисодиётни либераллаштириш бўйича олиб борилган ислохотлар натижалари, шунингдек, хорижий сармоядорлар учун яратилган қўлай сармоявий муҳит тафсилотла-

ри билан атрофчи таъинишди. Брифинг чоғида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-ҳамон давом этаётганлигига қарамасдан, 2012 йили Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашга эришилгани эътироф этилди. Ушбу йўналишдаги муваффақиятлар иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш ва диверсификациялаш, янги етакчи тармоқларни ташкил этиш, модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техникавий ва технология жihatдан янгилаш ҳамда замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш дастурларини амалга ошириш юзасидан чуқур ўйланган ва оқилона сиёсат олиб борилаётганининг натижаси эканлиги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

### ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Газетамизнинг ўтган сонларидан бирида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришга доир чора-тадбирларни амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги парламент эшитуви юзасидан сиёсий партиялар фракциялари аъзолари ҳамда мутахассисларнинг фикрлари берилган эди. Бугун ушбу аъёнани давом эттираемиз.

## Тинчлик ва фаровонлик

сайёҳлик соҳаси тараққиётининг энг асосий омилларидир

**Абдуғофур МАМАТОВ,** Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзоси:

— МТДП фракцияси ҳамда қўйи палатанинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан жойларда туризмнинг бугунги

ҳолати таҳлили билан боғлиқ масала ҳудудлардаги маҳаллий Кенгашларда бир неча бор кўриб чиқилди. Айни чоғда “Ўзбектуризм” Миллий компанияси тизимида қонун ҳужжатларининг ижросига бағишланган бир қатор назорат-таҳлил тадбирлари ташкил этилди. Уларнинг натижа-

сида маълум бўлдики, диёримиз сайёҳлик салоҳияти ниҳоятда улкан. Шубҳасиз, Ватанимизда қарор топган мустаҳкам оёсийишталик ва фаровонлик эса ушбу жаҳон янада самарали ривожлантириш имконини беради.

(Давоми 2-бетда).

### КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Аҳоли турмуш фаровонлиги маҳалланинг ободлиги, хонадонлар файзу тароватида намоён бўлади. Бунёдкор халқимиз мўъжазгина гўшасида тураржой ёки кундалик ҳаёт учун зарур бўлган бирор иншоотни тиклар экан, девордармиён қўшнисининг биноларига ҳамоҳанг бўлиши ҳамда маҳалла кўркини янада очишини ҳисобга олган ҳолда режалаштиради.

Бу ҳақда бежиз сўз очмадик. Ҳозирги пайтда ораста ва кўркам маҳаллалар юртимиз ободлиги тисмоли бўлиб ўзини тобора кўпроқ намоён қилмоқда. Наманган туманидаги Бешкапа маҳалласи ҳам кун сайин обод ва гўзал манзара касб этаётган ана шундай масканлардан бири. — Маҳалланинг равақ топиши ҳар бир йиғин аъзосининг ўзи туғилиб ўсган маконига, Ватанига меҳри ва унинг гуллаб-яшнаши йўлида фидойи-

## Тадбиркорлар маҳалласи

лик кўрсатаётгани билан бево-сита боғлиқ. Биласизми, замон ўзгаришлари, мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари маҳалладошларининг ҳам тадбиркорлик фаолиятининг муайян тури билан шуғулланишларига, ўз томор-

қаларидан самарали фойдаланишларига кенг имкониятлар яратмоқда, уларнинг қизиқишлари кун сайин ортиб бормоқда, — дейди фуқаролар йиғини раиси Сотволди Султонов. — Масалан, томорқа ҳўжалигидан фойдаланишни олиб

кўрайлик. Бизда оилавий бизнеснинг бу йўналиши оммалашган бўлиб, ундан маҳалламизга йилга 1,5 миллиард сўмдан ортик даромад келади. Аникроқ айтганда, ҳудудимиздаги 120 та хонадон ўзининг замонавий иссиқхонасига эга. Уларда йил бўйи бодиринг, помидор, кўм-кўк резаворлар аримади. Умуман, ушбу юмуш билан шуғулланаётган 500 нафардан ортик йиғин аъзолари ўз мақсулотлари билан нафақат вилоят, балки Тошкент шаҳри бозорларини ҳам таъминлашаёпти.

(Давоми 2-бетда).

ИЗЛАНИШ

Олтиариқликлар эртаги бодринг ва турп этиштиришнинг ҳадисини олган миришкор деҳқонлар сифатидагина эмас, балки жаннат меваси ҳисобланган узумни ҳам банди узилмаган сархил ҳолда, йил бўйи сақлаш борасида катта тажриба тўплашган.

Узум баҳорда узилади

Чинортаги маҳалласида яшовчи Абдуллажон ота Гофуров бу борада антика усулдан фойдаланади. У ҳовлисидаги ишқомларда пишиб этилган узумларни ҳеч қачон куз ойларида узиб олмайд.

Узумни қишда сақлашнинг ўзига хос машаққатлари бор, — дейди Абдуллажон ота. — Токнинг ўзида узиб олмай банди билан сақлаш учун ишқомни хас-хашак, поя ва плёнка билан яхшилаб ўраш лозим. Ишқом тагидан сув оқиб турса, янада яхши бўлади. Яъни оқар сув муътадил хавони таъминлайди.

Абдуллажон ота ҳар йили ана шу усул билан 2 тоннагача узум сақлайди. Ҳозир бундай узумларнинг бозордаги нархи юқори эканлиги ҳисобга олинса, кафтедеккина томорқадан Абдуллажон ота миллионлаб сўм даромад олаётганини англаш қийин эмас.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Юксак ишонч масъулияти

Истеъдодли, интилувчан, фаол... Бундай таъриф бугунги ёшларимиз хусусида сўз кетганда, доимо қатъият билан айтилади. Чунки қай бир соҳани олиб кўрманг, ёш авлод вакиллари эртанги кунимиз таянчи ва сунъчи бўлиб, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

ТАДБИР

Президентимиз ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган, ўнлаб иқтидор соҳибалари, чекка-чекка қишлоқларда камол топаётган эзқо қизлар кашф этилди.

Мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланаётган байрам — 8 март — Халқаро хотин-қизлар кун муноса-

бати билан республика Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ўтказилган тадбирда ҳам шу хусусда сўз борди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, ижодкорлар, ўқитувчилар, ёшлар ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг 2013 йилги совриндорлари иштирок этди.

Тадбир қатнашчилари, даставвал, пойтахтимизнинг Бош майдонида бўлиб, Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар. Шундан сўнг муҳташам «Маърифат марка-

зи»даги Миллий кутубхонада ижодий учрашув ўтказилди. Эътироф этилганидек, юртимизда ёш авлод таълим-тарбиясига юксак эътибор қаратилаётганлиги боис қизларимиз орасида жаҳон чемпионлари, турли фан олимпиадалари ғолиблари, халқаро санъат фестивалларида бош соврин соҳиблари бўлаётганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Тадбирда совриндор қизлар юксак ишонч ва ғамўрлик учун Президентимизга, устозу мураббийларига миннатдорлик изҳор қилдилар. Ийгилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ХОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2013 ЙИЛ 23 ФЕВРАЛДАН 1 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

- 1. «Ноширлик ва матбаъа корхоналари томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюмисига хузуридаги «Ижод» фондида ажратилган тўлаш тартиби тўғрисидаги низоми» ва ахборот агентлиги бош директорининг 2013 йил 14 февралдаги 12-м/х-сонли буйруғи. 2013 йил 25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2139-3 (2013 йил 4 мартдан кучга кирди).

- 1. «Ноширлик ва матбаъа корхоналари томонидан радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурilmаларни олиб ўтиш тартибига ўзгаришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат божона кўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитасининг 2013 йил 21 февралдаги 01-02/б-21, 11-м/х-сонли қарори. 2013 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 526-4 (2013 йил 4 мартдан кучга кирди).

UZBEKNEFTEGAZ
«ЎЗБЕКНЕФТЕГАЗ»
МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ
ЖАМОАСИ
сизларни баҳор, гўзаллик ва нафосат байрами билан самимий кутлайди!
Ҳар бир кун сизларга бахт, омад ва қувонч олиб келсин!

«ТОШРАНГМЕТЗАВОД» ОАЖ
жамоаси
республикамиз хотин-қизларини
8 март
бахор ва гўзаллик байрами билан қизини муборакбод этади!
Мунис онахонлар, меҳрибон опа-сингиллар, дилбар қизларимиз! Сизлар барча соҳаларда фаол бўлиб, ҳаётимизга ўзгача қувончу шодлик, жозиба ва мазмун бағишлайсизлар. Оилаларимиз таянчи бўлган сиз, азизлар, бахтимизга ҳамиша омон бўлинг!

«Ўзнефтьгазқазибчиқариш»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ
гортимизнинг барча аёлларини баҳорнинг илк айёми — 8 март — Халқаро хотин-қизлар кун билан самимий табриклайди!
Бир қўлида дунёни, бир қўлида бешикни тебратаятган мунис оналаримиз, азиз опа-сингаларимизга баҳорий кайфият, меҳнат фаолиятингизда зафарлар, шахсий ҳаётингизда омад ва бахт ёр бўлишини тилаймиз!

«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Сурхондарё вилояти филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибиди ўтказиладиган очiq аукцион савдосига таклиф этади.
Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 20 декабрдаги 19-1203/15575-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, Соатов кўчаси, 4-«А» уйда жойлашган, «Хилола-Б» кўп тармоқли хўшсўсий ишлаб чиқариш фирмасига тегишли, умумий майдони 1961,45 кв.м. бўлган, 1 қаватли, 16 хонадан иборат, «А» литердаги ошхона биноси қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 36 505 000 сўм.
Аукцион савдоси 2013 йил 10 апрель кун соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00гача

қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2013 йил 8 апрель кун соат 18.00.
Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.
Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф. Ҳужаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.
Телефон: (8-376) 227-57-94. www.1kms.uz
Лицензия: RR-0001.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 354. 134 446 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибхона 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
ISSN 2010-8768

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оринов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўғбосаров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусоҳҳа — Ш. Машраббоев.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 20.50
Тошпирилди — 21.45 1 2 3 4 5